

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2024 йил декабрь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ёпик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ў.Ҳайдаров, судья ёрдамчиси Ш.Йўлдошбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Қувондиқов, судланувчи Х.Манонов ва унинг адвокати З.Ҳабибовнинг иштирокида, Манонов Ҳаким Мусиновичга нисбатан 1-1401-2407/1066-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Манонов Ҳаким Мусинович (*Manonov Hakim Musinovich*) 1996 йил 01 март куни Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, “ХАКИМ-SAM” МЧЖда раҳбари, оилали 3 нафар фарзандли, муқаддам судланмаган, Самарқанд шаҳар Боғимайдон маҳалласи Афросиёб кўчаси 20-уйда яшаган, унга нисбатан 24.09.2024 йилда гаров тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини муддатида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 186-моддасининг 1-қисми ва 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувини эшитиб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, томонларнинг музокара сўзларини тинглаб, судланувчининг музокара ва охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ҳ.М.Манонов Самарқанд тумани, Ўзбеккенти маҳалласи, Мотрид кўчасида жойлашган “Ҳаким-Сам” оилавий корхонасига қарашли бўлган савдо дўконида 2020 йил 16 июнь кунидан буён корхона раҳбари ва сотувчи лавозимида ишлаб, ўзининг хизмат вазифаларидан ғаразли ва бошқа паст ниятларда фойдаланиб, ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттириш мақсадида, дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган ва қисми алоҳида жиноят иши сифатида ажратилган ноъмалум шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, 2023 йил ёз ойида терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган техника усуллари ёрдамида ясалган қалбаки акциз маркалар билан маркировкаланган алкоғолли маҳсулот (ароқ ва бошқа спиртли ичимлик)ларни улар қалбаки акциз маркалар билан маркировкаланганлигини ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлганлигини олдиндан билгани ҳолда арзон нарҳда сотиб олиб,



келгусида уларни ўтказиш ва муомалага киритиш учун уларни ўзи ишлаб келаётган савдо дўкони ва савдо дўконинг омборхонасида сақлаб келган.

Шундан сўнг, Ҳ.М.Манонов 2023 йил ёз ойидан 2024 йил 10 май кунига қадар Самарқанд тумани, Ўзбеккенти маҳалласи, Мотрид кўчасида жойлашган “Ҳаким-Сам” оилавий корхонасига қарашли бўлган савдо дўконидида келгусида ўтказиш мақсадида, жами 13 турдаги, яъни 0,7 литр ҳажмдаги 37 дона “Montana”, 0,75 литр ҳажмдаги 31-дона “Diplomat”, 0,5 литр ҳажмдаги 6-дона “Филатов Коняк”, 0,75 литр ҳажмдаги 98-дона “Legend”, 0,5 литр ҳажмдаги 63 дона “Старий Самарқанд”, 1,0 литр ҳажмдаги 363-дона “Голубийи глаза”, 0,5 литр ҳажмдаги 223 дона “Русская водка”, 0,5 литр ҳажмдаги 45-дона “Самарқанд коняк”, 0,75 литр ҳажмдаги 241-дона “Ocean”, 0,5 литр ҳажмдаги 4176-дона “Filatoff”, ҳамда 0,5 литр ҳажмдаги 4 дона “Чистая”, 0,5 литр ҳажмдаги 3-дона “Organis Roll” номли жами 13 турдаги жами 5.392 дона умумий қиймати 129.053.582 сўмлик кўп миқдордаги қалбаки акциз маркалар билан маркировкаланган алкоголь маҳсулотлари сақлаб келиб, шундан 2024 йил 10 май куни соат 12.20 да ушбу савдо дўконидида ўтказилган назорат остидаги харид тезкор тадбирда, тезкор тадбирга жалб қилинган Ф.Ф.Сатторовга ноқонуний сақлаб келаётган 10 дона ҳажми 0.5 литр бўлган “Filatoff” номли алкоголь маҳсулотларини ҳар бирни 21.500 сўмдан ҳисоблаб жами 215.000 сўмга қонунга хилоф равишда сотганлиги аниқланиб, ундан ушбу алкоголь маҳсулотлари тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиб олинган.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Самарқанд вилоят бўлимининг 2024 йил 20 май кунидидаги №29/31(1742)2.1.З-сонли судга оид Техник криминалистика экспертиза хулосасида, “Ҳаким-Сам”ОКга қарашли дўкон сотувчиси Ҳ.М.Маноновдан далилий ашё сифатида ҳужжатлаштириб олинган 49 турдаги 11.054 дона ароқларга елимланган акциз маркалардан 13 турдаги жами 5.392 дона алкоголь маҳсулотларга елимланган акциз маркаларидаги махсус ҳимоялари мавжуд эмаслиги, тайёрланиш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат полиграфик корхоналарида тайёрланганлиги, мазкур акциз маркалар қалбаки усулда тайёрланганлиги кўрсатилган.

2.Бундан ташқари, Ҳ.М.Манонов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд тумани, “Ўзбеккенти” маҳалласи, Мотрид кўчасида жойлашган “Ҳаким-Сам” оилавий корхонаси раҳбари ва сотувчи лавозимида ишлаб келиб, ўзининг хизмат вазифаларидан ғаразли ва бошқа паст ниятларда фойдаланиб, ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттириш мақсадида, келгусида ўтказиш мақсадида, белгиланган техник ва истеъмолчиларнинг хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган, инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган 13 турдаги, яъни 0,7 литр ҳажмдаги 37 дона “Montana”, 0,75 литр ҳажмдаги 31-дона “Diplomat”, 0,5 литр ҳажмдаги 6-дона “Филатов Коняк”, 0,75 литр ҳажмдаги 98-дона “Legend”, 0,5 литр ҳажмдаги 63 дона “Старий Самарқанд”, 1,0 литр ҳажмдаги 363-дона “Голубийи глаза”, 0,5 литр ҳажмдаги 223 дона “Русская водка”, 0,5 литр ҳажмдаги 45-дона “Самарқанд коняк”, 0,75 литр ҳажмдаги 241-дона “Ocean”, 0,5 литр ҳажмдаги 4176-дона “Filatoff”, 0,5 литр ҳажмдаги 4 дона “Чистая”, 0,5 литр ҳажмдаги 3-дона “Organis Roll” номли, 0,5 литр ҳажмдаги



17-дона “Darmon” номли, 0,5 литр ҳажмдаги 149-дона “Soft” номли, 0,75 литр ҳажмдаги 24-дона “Kagor” номли, 0,5 литр ҳажмдаги 617-дона “Vodka "Ideal"” номли, 0,75 литр ҳажмдаги 46-дона “Samovar” номли, 0,5 литр ҳажмдаги 3-дона “Vodka Ambarnaya 40%” номли, 0,75 литр ҳажмдаги 5-дона “Vodka Ambarnaya 40%” номли, 0,75 литр ҳажмдаги 30-дона “Stariy Samarkand” номли, 0,5 литр ҳажмдаги 157-дона “Zolotaya bochka klassicheskaya 37.5” номли, 0,5 литр ҳажмдаги 18-дона “Juravli” номли, 0,5 литр ҳажмдаги 22-дона “Nordica” номли, 0,75 литр ҳажмдаги 4-дона “Nordica” номли, 0,5 литр ҳажмдаги 31-дона “Farovon gold Royal” номли, 0,5 литр ҳажмдаги 69-дона “Samovar” номли, 0,7 литр ҳажмдаги 33-дона “Soft” номли, 0,5 литр ҳажмдаги 150-дона “Stolichnaya” номли жами 29 турдаги 6.767 дона умумий қиймати 160.492.200 сўмлик кўп миқдордаги қалбаки акциз маркалар билан маркировкаланган алкоголь маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июль кунидаги 275-сонли қарорига мувофиқ “Спирт ва алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қўйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид низом”ни ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 07 январь кунидаги 589-сонли “Ўзбекистон Республикаси тамаки маҳсулотлар алкогольли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талабларини кўпол равишда бузгани ҳолда сақлаб келганлиги аниқланиб, ундан юқорида қайд этилган ушбу алкоголь маҳсулотлари тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиб олинган.

Самарқанд вилоят Давлат Санитария-Эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг 18.05.2024 йилдаги 01/02-1304-сонли хулосасида, “Ҳаким-Сам”ОК сотувчиси Ҳ.М.Маноновдан далилий ашё сифатида юқорида кўрсатилган 49 турдаги 11.054 дона алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилмаганлиги, сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларининг йўқлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни талабларига асосан истеъмолдан олиниши инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли эканлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи Х.Манонов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2020 йил 16 июнь куни “Ҳаким-Сам” оилавий корхонасини ташкил қилганлигини, мазкур корхона директори эканлигини, корхона Самарқанд тумани, “Ўзбеккенти” МФЙ, Мотрид кўчасида жойлашганлигини, спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланиб келишлигини, мазкур корхонани отаси Ҳакимов Мусин билан билар биргаликда юритиб келишлигини, отаси унга бугалтерия ҳужжатларини юритишда ёрдамлашиб келишлигини, корхонанинг юридик манзили Самарқанд тумани Ўзбеккенти маҳалласи бўлиб ҳисобланади, корхонанинг ҳисоб рақами “Транст банк” Самарқанд вилоят филиалида жойлашганлигини, корхонада у билан отасидан ташқари бошқа бирор киши ишламаслигини, “Ҳаким-Сам” оилавий корхонасига қарашли савдо дўкони Самарқанд тумани, “Ўзбеккенти” МФЙ, Мотрид кўчасида яъни айлана йўлида жойлашганлигини, савдо дўкони отаси Ҳакимов Мусинга тегишли эканлигини, Савдо дўконнинг ёнида хўжалик моллари, озиқ овқат дўкони ва спиртли ичимликлар савдо дўконлари мавжуд эканлигини,



бошқариб келадиган “Хаким-Сам” оилавий корхонасига қарашли савдо дўконида спиртли ичимликлар кўп сифмаслиги сабабли, савдо дўкондан иккита кейинги савдо дўконини ва савдо дўконлар растаси ортида бўлган отаси Хакимов Мусинга тегишли бўлган омборхонада спиртли ичимликларни сақлаб, омборхона сифатида фойдаланиб келишини, 2024 йил 10 май куни отаси М.Хакимов билан бирга “Хаким-Сам” оилавий корхонасига қарашли савдо дўконига бориб, савдо дўконда ишларим билан банд бўлганлигини, шундан сўнг соат тахминан 12:00ларда у дўконда бўлган вақтида, отаси М.Хакимовнинг олдига унга олдиндан таниш бўлмаган бир фуқаро келиб, М.Хакимовдан 15 дона “Филатоф” номли ароқ спиртли ичимлигини харид қилаётганлигини гувоҳи бўлганлигини, шундан сўнг дўконга унга олдиндан таниш бўлмаган, ўзларини Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси ходимлари деб таништирган ходимлар ва холислар ҳолатни видеокамера олган ҳолатда кириб келишиб, уларга тезкор тадбир бўлаётганлигини, савдо дўконда ва омборхонада сақланаётган спиртли ичимликларнинг кирим ҳужжатлари йўқлиги ва акциз маркалари қалбаки эканлиги ҳақида олинган маълумотлар текшириляётганлигини маълум қилишиб кирим ҳужжатлари тақдим қилишликни сўраганларини, у расман директор бўлса-да, корхонанинг кирим ҳужжатларига тушунмаганлигим сабабли, шу вақтда савдо дўконда мавжуд бўлган маҳсулотларнинг кирим ҳужжатларини тақдим қила олмаганлигини, шундан сўнг департаментнинг ходимлари томонидан савдо дўкони, омборхоналар кўздан кечирилиб, дўконда ва омборхонада мавжуд бўлган барча спиртли ичимликлар рўйхати шакиллантирилиб, олиб қўйиш баённомаси расмийлаштирилиб олиб қўйилганлигини, олиб қўйиш жараёнида жами 49 турдаги 11.054 дона ҳар хил ўлчамдаги спиртли ичимликлар олиб қўйилганлигини, шундан сўнг улар департаментнинг Самарқанд вилоят бўлимига борганларини, у ерда унга адвокати иштирокида ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, ҳолат юзасидан тушунтириш хати олинганлигини, шундан сўнг мен корхонада расман ишламайдиган ҳисобчи билан бирга корхонага кирим бўлган маҳсулотларнинг ҳужжатларини олиб, департаментнинг ходимларига тақдим қилганлигини унга қонунда белгиланган енгиллик беришни, раҳбарлик қилиб келаётган “Хаким-Сам” оилавий корхонасининг савдо дўкони ва омборхоналаридан ҳужжатлаштириб олинган 49 турдаги жами 11.054 дона ҳар хил ўлчамдаги спиртли ичимликларни айнан қайси бирини қаердан олганлигимни ҳозирда эслолмаслигини, департамент ходимларига тақдим қилган кириш ҳужжатлар мавжуд бўлган спиртли ичимликларни “Оқ Ариқ Шароб Савдо” МЧЖ ва “Баян Ширин Савдо” МЧЖлардан олиб келганлигини, кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган спиртли ичимликларни 2023 йил ёз ойларида унга олдиндан таниш бўлмаган бир фуқаро юк автомашинасида савдо дўкони олдига олиб келиб, бозор баҳосидан арзонроқ нархда сотиб олишликни таклиф қилганида, ушбу маҳсулотларни кейинчалик сотиб пул маблағлари ишлаб топиш мақсадида харид қилиб, корхонага кирим қилмаганлигини. ҳужжатлаштириб олинган спиртли ичимликлардан, жами 13 турдаги жами 5.230 дона алкоголь

ҳсулотларининг акциз маркалари махсус ҳимояланмаганлиги, тайёрланиш ули бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат полиграфик корхоналарида



тайёрланмаганлиги, мазкур акциз маркалар қалбаки усулда ясалганлигига бирор изоҳ бера олмаслигини, айнан ушбу ароқ маҳсулотларни 2023 йил ёз ойларида унга олдиндан таниш бўлмаган фуқародан бозор баҳосидан арзонроқ сотиб олишликни таклиф қилганида, рози бўлиб сотиб олганлигини, унга таниш бўлмаган фуқаро ўзининг савдо дўконини ёпаётганлиги сабабли, барча маҳсулотларни арзон нархда сотаётганлигини, унга пул маблағлари керак эканлигини, барча маҳсулотлар завод шароитида ишлаб чиқарилганлигини ва акциз маркалари қалбаки эмаслигини айтганлигини, ушбу маҳсулотларни айнан қанча миқдорда сотиб олганлигимни эслолмаслигини, ушбу маҳсулотларни сотиб олганидан сўнг кирим ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли, дастлаб сотмаганлигини, унга пул маблағлари керак бўлганлиги сабабли, 2024 йил май ойининг бошларидан кейин ушбу маҳсулотларни сотишни бошлаганлигини, унга қадар ушбу маҳсулотларнинг барчаси омборхонада сақланганлигини, текшириш давомида олиб қўйилган спиртли ичимликлардан 29 турдаги жами 6.767 дона алкоголь маҳсулотларининг корхонага кирим бўлганлиги спиртли ичимликларни кўп қисмини мен олдиндан таниш бўлмаган фуқаро харид қилганлигини, ушбу маҳсулотларнинг келиб чиқиш ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли оилавий корхонага кирим қилмаганлигини, ҳозирда содир қилган қилмишидан пушаймонлиги, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Шунингдек, судланувчи Х.Маноновнинг айби иш ҳужжатларида мавжуд бўлган 10.05.2024 йилда ўтказилган тезкор тадбирга асосан тўпланган терговга қадар текширув ҳужжатлари, яъни Ф.Ф.Сатторовнинг аризаси, тадбирда ишлатишлик учун пластик карта бериш баённомаси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, олиб қўйиш баённомаси, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари, тезкор тадбир тасвирлари туширилган дисклар ҳамда фотожадваллари, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Самарқанд вилоят бўлимининг 2024 йил 20 май кундаги №29/31(1742)2.1.Z-сонли судга оид Техник криминалистика экспертиза хулосасида, “ХАКИМ-SAM”ОКга қарашли дўкон сотувчиси Х.М.Маноновдан далилий ашё сифатида ҳужжатлаштириб олинган 49 турдаги 5230 дона ароқларга елимланган акциз маркалардан 13 турдаги жами 5389 дона алкоголь маҳсулотларга елимланган акциз маркаларидаги махсус ҳимоялари мавжуд эмаслиги, тайёрланиш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат полиграфик корхоналарида тайёрланганлиги, мазкур акциз маркалар қалбаки усулда тайёрланганлиги кўрсатилганлиги, Самарқанд вилоят Давлат Санитария-Эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг 18.05.2024 йилдаги 01/02-1304-сонли хулосасида, “ХАКИМ-SAM”ОК сотувчиси Х.М.Маноновдан далилий ашё сифатида юқорида кўрсатилган 49 турдаги 5230 дона алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилмаганлиги, сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларининг йўқлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни талабларига асосан истеъмолдан олиниши инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли эканлиги кўрсатилганлиги, “Ситораи мухан” МЧЖ томонидан алкоголь маҳсулотларининг баҳоси бўйича берилган маълумотномалар, тергов



давомида аниқланган нарсани ашёвий-далил деб эътироф этиш қарорлари, тергов жараёнида сўроқ қилинган ишга алоқадор гувоҳларнинг берган кўрсатувлари билан билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Маноновнинг жиноий ҳаракати ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 186-моддасининг 1-қисми ва 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки у бир гуруҳ шахслар билан олинган жиноий тил бириктириб, қалбаки акциз маркаларни ўтказиш, истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, уларни сақлаш ва ўтказишда ҳамда анча миқдордаги алкоғолли маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жиноятни содир қилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра судланувчи Х.Маноновнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига иқрорлиги, қилган ишдан пушаймонлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топади, ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар судда аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида тушунча берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Х.Маноновга жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг муқаддам судланмаганлиги, айбига иқрорлиги, оилалтик бўлиб 2 нафар фарзанди борлиги, қилган ишдан пушаймонлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг йўқлигини инобатга олиб, ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “б,в” банди ва 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандига ЖК 57-моддасини кўзлаб қонун санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖК 186-моддасининг 1-қисми билан қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖК 59,61-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш билан узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.



Шунингдек, Х.Маноновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 481-моддаси 3-қисмига мувофиқ, жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, яшаб турган вилоят ҳудудини тарк этмаслик каби қўшимча тақиқларни юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августдаги ЎРҚ-938-сонли Қонуни билан ЖК 48<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилиб, “Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёхуд ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклашдан иборат”лиги кўрсатилиб, мазкур қонун билан озодликни чеклаш жазосини ўташ кучайтирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасига кўра, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланиши, қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмаслиги кўрсатилган.

Суд ҳайъати, иш ҳужжатларини ўрганиб, ЖКнинг 13-моддаси талабидан келиб чиқиб, судланувчи Х.Манонов томонидан содир этилган жиноят 2024 йил июль ойида содир этилганлиги сабабли, ушбу жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддасига кўра сутканинг муайян вақтда яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазо турини тайинлашни лозим топади.

Суд, ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Самарканд вилоят бўлимининг 2024 йил 20 май кунидаги №29/31(1742)2.1.Z-сонли судга оид Техник криминалистика экспертиза хулосаси, Самарканд вилоят Давлат Санитария-Эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг 18.05.2024 йилдаги\_01/02-1304-сонли хулосаси, Солиқ бошқармаси томонидан тақдим қилинган текширув: далолатномаси, назорат харидини ўтказиш баённомаси, ҳужжатлар ва буюмларни олиш қўйиш баённомаси, Х.М.Манонов тадбир иштирокчисига тадбирга ишлатиш учун берилган пластик картадан 215.000 сўм пулларни "ХАКИМ-SAM"ОКга кирим қилиб, эвазига тақдим қилган патта жиноят иши билан бирга сақлашликни;

ашёвий далил деб эътироф этилган тадбир давомида далилий ашё тариқасида олинган "Ситора Мухан" МЧЖга сақланаётган жами 11.054 дона 49 турдаги алкоголь маҳсулотларини тегишли тартибда йўқ қилишликни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:



Судланувчи Манонов Хаким Мусинович (*Manonov Hakim Musinovich*) Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 186-моддасининг 1-қисми ва 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандига ЖК 57-моддасини қўллаб 3 йил озодликдан чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 186-моддасининг 1-қисми билан ойлик иш ҳақини 15 фоизини ушлаб қолиш шарти билан 1(бир) йил 6 (олти) ой озодликдан чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандга ЖК 57-моддасини қўллаб 3 йил озодликдан чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖК 59,61-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан 3 (уч) йил 6 (олти) ой олти озодликдан чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони яшаш жойида, яъни Кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 гача, яшаш жойи ҳисобланган Самарқанд шаҳар “Боғимайдон” маҳалласи Афросиёб кўчаси 20-уйдаги яшаш хонадонидан чиқишни чеклансин.

Х.Маноновнинг зиммасига устидан назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Самарқанд вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқ(чеклов)лар юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазо муддати жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Самарқанд шаҳар ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Х.Маноновга қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 10.000.000 сўм пуллар Х.Маноновга қайтарилсин.

Х.Маноновга ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқ(чеклов)ларни бузган тақдирда унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган тадбир давомида далилий ашё тариқасида олинган "Ситора Мухан" МЧЖга сақланаётган жами 11.054 дона 49 турдаги алкоголь маҳсулотларини тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм ўқиб эшиттирилган кундан 10 сутка ичида, судланувчи унга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят, прокурор протест беришга ҳақлидир.

Раислик этувчи:

Ў.Ҳайдаров



Ҳужжат имзоланган: Ҳайдаров Ўткур Муҳаммадиевич, 06.01.2025

